

“Меҳнат таътиллари тўғрисида”.



Ҳар йилги меҳнат таътили дам олиш ва ишлаш қобилиятини тиклаш учун иш ўрни (лавозими) ҳамда ўртача иш ҳақи сақлаб қолинган ҳолда ходим ишдан озод этиладиган, ходимга ҳар йили иш йили давомида бериладиган вақт давридир.

Барча ходимлар, шу жумладан ўриндошлик асосида ишлайдиган ходимлар ҳар йилги меҳнат таътилига чиқиш ҳуқуқига эга.

Ҳар йилги меҳнат таътилининг турлари қуйидагилардан иборат:

асосий меҳнат таътили (ҳар йилги асосий энг кам ёки ҳар йилги асосий узайтирилган);

ушбу Кодекснинг 222-моддасида назарда тутилган тартибда асосий энг кам ёки

асосий узайтирилган таътил билан жамлаб ҳисобланадиган қўшимча меҳнат таътили.

217-modda. Har yilgi asosiy eng kam mehnat ta'tilining davomiyligi йигирма бир календар кунни ташкил этиши белгиланган.

218-moddada, har yilgi asosiy uzaytirilgan ta'til esa, қуйидагиларга ёши ва соғлиғининг ҳолати ҳисобга олинган ҳолда ҳар йилги асосий узайтирилган :

ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга — ўттиз календар кун;

И ва ИИ гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимларга — ўттиз календар кун берилиши белгиланган.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимларига давомийлиги йигирма етти календар кун бўлган ҳар йилги асосий узайтирилган таътил берилиши, бундан давлат ходимларининг айрим тоифалари учун қонунда ҳар йилги асосий узайтирилган таътилниң узоқроқ давомийлиги белгиланган ҳоллар мустасно эканлиги кўрсатилган.

Ҳар йилги асосий узайтирилган таътиллار айрим тоифадаги ходимлар учун ҳам улар меҳнат вазифаларининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятларига ҳамда бошқа ҳолатларга қараб белгиланиши, бундай таътиллар олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимларнинг рўйхати ва ушбу таътилларнинг давомийлиги қонунчиликда белгиланиши кўрсатилган.

Қонунчиликда белгиланганидан ташқари, ҳар йилги асосий узайтирилган таътиллар бериш, шунингдек ҳар йилги асосий узайтирилган таътилниң давомийлигини унинг қонунчилик билан кафолатланган давомийлигига нисбатан кўпайтириш жамоа келишувларида, шунингдек жамоа шартномасида, ички ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Узун туман адлия бўлими Юридик хизмат кўрсатиш маркази

бош юрисконсулти Турсунов Абдурайим Алмарданович